

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШ



Фойдали тавсиялар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

**БУРИЕВА ГУЛҲАЁ ИВАДУЛЛО ҚИЗИ
ҲАМРАЕВ НОДИР НЕЙМАТ ЎҒЛИ
ТОҒАЙМУРОВОВА РУШАНА ФАХРИДДИН ҚИЗИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛНИ ЎРГАНИШ:
Фойдали тавсиялар**

Рисола

Тошкент – 2021

УЎК: 37(041)(575.1)

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий кенгашининг 2020 йил 25 июндаги 5-сон қарори билан нашрга тавсия этилган.

Г.Буриева, Н. Ҳамраев, Р. Тоғаймуродова.
Хорижий тилни ўрганиш:
фойдали тавсиялар. Рисола. –
Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. – 43 б.

Таризчилар: **С.Т. Ақобирова** – Тошкент давлат юридик университети Тил ўргатиш кафедраси доценти, филология фанлари номзоди;
Ф. Икромхонова – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Тиллар кафедраси мудир, доцент, педагогика фанлари номзоди ;
Н.И. Мустафоева – Тошкент давлат юридик университети Тил ўргатиш кафедраси катта ўқитувчиси.

Ушбу оммабоп рисолада хорижий тилни ўрганишда юзага келадиган асосий муаммолар, қийинчиликлар; хорижий тил аспектларининг ўзига хос хусусиятлари, хорижий тил ўрганишда қўллаш мумкин бўлган усуллар, иловалар; хорижий тилни ўрганишда фойдаланиш мумкин бўлган онлайн манбалар ва уларнинг манзиллари, таклиф ва маслаҳатлар берилган.

Мазкур оммабоп рисоладан олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар, мустақил изланувчилар ҳамда хорижий тил ўрганаётган барча шахслар фойдаланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	4
Кириш	5
1§. Тил ўрганишдаги баъзи муаммолар	6
2§. Тил ўрганишнинг умумий усуллари	7
3§. Ўқиш кўникмасини ўрганиш	12
4§. Тинглаб тушуниш кўникмасини ривожлантириш	27
5§. Ёзиш тил кўникмасини шакллантириш	32
6§. Инглиз тилида равон сўзлаш	33
7§. Тилни мустақил ўрганиш учун фойдали манбалар	37
Фойдаланилган адабиётлар	42

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларининг жадал ривожланиши ҳамда мамлакатимизда ва жаҳон ҳамжамиятида таълим соҳасида давлатлараро интеграциялашуви ўсиб келаётган бугунги даврда хорижий тилларни ўрганиш устувор вазифалардан биридир. Баъзи тил ўрганувчилар бунини касб тақозоси сифатида бажаришса, кўпчилик эса бунини мустақил равишда урдалай оляпти. Тил ўрганиш ёшлар орасида оммалашган айни даврда тилни ўрганишга кўмак берувчинини кўлланма ва китоблар муҳим аҳамият касб этмокда.

Ушбу рисола ҳам тил ўрганишдаги баъзи муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, тил ўрганувчиларга тилнинг тўртта муҳим аспектлари ҳисобланган “ўқиш, гапириш, ёзиш ва тинглаб тушуниш” каби қобилиятларни хорижий тилда ривожлантириш борасидаги қизиқарли ва фойдали кўрсатма ва тавсияларни ўз ичига олган бўлиб, булар ўрганиш жараёнида юқори самарадорликка эришишда кўмаклашишини шубҳасиз.

КИРИШ

Глобаллашув жараёнида дунёнинг барча элат ва миллатларни осон боғлаб, халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилувчи омиллардан бири тилдир. Ҳозирги кунда юртимизда ҳам чет тилларини, айниқса, инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ва талаб ошмоқда. Ёшидан, меҳнат фаолиятидан қатъи назар, боғча ёшидаги болалардан бошлаб катта ёшдаги мутахассисларгача инглиз тилини ўрганишга ҳаракат қиляпти. Бу ижобий ҳолат, албатта. Чунки тил орқали ўша тилда гаплашувчи давлатлар маданияти, тарихи ва урф-одатларини ўрганиш билан бирга шахсий манфаатлар йўлида эшиклар очилиши учун ҳам замин яратилади.

1 §. ТИЛ ЎРГАНИШДАГИ БАЪЗИ МУАММОЛАР

Тил ўрганувчининг қизиқиши, аниқ мақсад ва маълум бир вақт ичида ўрганиш хоҳиши тил ўрганиш учун асосий мотив вазифасини бажаради. Аммо, шунини таъкидлаш жоиз, тил ўрганиш қобилиятининг индивидуаллиги, ўрганувчиларнинг турли хил шароитда бўлиши ҳисобга олинмаган бўлса, тил ўрганиш жараёнида баъзи муаммоларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолдир. Жумладан, ҳар қандай ўрганувчи дастлаб қанча муддатда инглиз тилида равон гапириши хусусида ўйлайди. Ҳар қандай тилда сўзлашиш, аввало, шу тилдаги маълум сўзларни билиш ва умумий грамматик қоидалар орқали уларни систематик шакллантириш билан бошланади. Бироқ ўрганишни эндигина бошлаган ўқувчи учун сўзларнинг ўқилиши ҳам, уларнинг таржимасини топиш ҳам қийинчилик туғдиради. Шунинг учун тил ўрганиш сўзларни ўрганишдан, уларнинг маъноларини билишдан бошланиб, сўз бирикмаси, гаплар тузиш, кейинчалик кичик-кичик матнлар орқали мукамаллаштирилади. Масалан, сиз инглиз тилидаги оддий, аммо энг кўп ишлатиладиган асосий сўзларни ўзлаштиридингиз. Энди уларни мулоқотда қўллашга ҳаракат қиласиз. Табиийки, сўзларнинг маъноси у қўлланилаётган контекстдан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Бу сизга ҳам, тингловчига ҳам қийинчилик туғдиради ёки сизнинг фикрингизни нотўғри тушунилишига сабаб бўлиши мумкин. Нафақат сўзлар билан боғлиқ муаммолар, балки тил билиш даражаси ошгани сари нотўғри талаффуз, гапиришдаги тўсиқлар, ёзма нутқнинг ривожланмаслиги каби ҳолатлар ҳам учрайди.

Натижада ўрганувчида қуйидаги саволлар юзага келиши мумкин:

Тилни қандай ўрганиш мумкин?

Тўғри талаффузни қандай қўллаш керак?

Кўп миқдорда ахборот, янги сўзлар ва грамматик қоидаларни қандай қилиб энг кам ҳаракат билан ёдлаш мумкин?

Тил кўникмалари (ўқиш, ёзиш, гапириш ва тинглаб тушуниш кабилар)ни тез ва осон ўрганишнинг қандай йўллари бор?

Тавсия этилаётган ушбу рисола шу каби қатор саволларга жавоб беради ва ундан тил ўрганувчилар амалий қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин. Рисолада юқорида келтириб ўтилган муаммоларга ҳал этиш юзасидан таклифлар ҳамда мустақил ўрганишда қўлланиши қулай бўлган ўқув манбалари киритиб ўтилган.

Рисола бўлимларга ажратилган бўлиб, ҳар бўлимда тил кўникмаларини мустақил, осон ўрганиш ҳақида тавсиялар берилган.

2 §. ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ УМУМИЙ УСУЛЛАРИ

Аввало, ўрганувчи ёши, қизиқиши ва изчиллик асосида кундалик сарфланадиган вақт миқдори, муҳит кабилар тил ўрганишда муҳим бўлса, фойдаланиладиган дарслик сифати, маҳоратли ва билимли ўқитувчи, тил ўрганишдаги тўғри ёндашув усуллари ҳам бу жараёнда муҳим аҳамият касб этади. Баъзан ўқувчилар тил ўрганишдаги қийинчиликларини шу тилда гаплашувчи чет давлатларида бўлмагани ёки инглизча гаплашадиган дўстлари йўқлиги билан боғлайди. Бироқ ахборот коммуникациялари тобора ривожланиб бораётган бугунги даврда бу каби важлар ўринсиз. Ижтимоий тармоқлар, хусусан, Facebook, Twitter, Telegram орқали

онлайн дарслар олиш ёки Youtube ва Skype орқали видео дарслар ҳам тил ўрганишда жуда оммалашган ва қулай усуллардан ҳисобланади. Бунда тил ўргатувчи ўқув курсларининг ҳам ўрни бекиёс. Чунки гуруҳдаги бошқа тил ўрганувчилар билан мақсадингиз бир ва шу йўлда бир-бирингиз билан инглизча мулоқот қилишингиз, маълумот алмашишингиз ёки рақобатчи бўлишингиз мумкин.

Тил ўрганишнинг инновацион усуллари борасида тажрибали тилшунослар ва полиглотлар (бир неча тилда гаплашувчилар) тавсияларидан фойдаланиш ҳам сиз учун айна муддао бўлади.

Эса тутинг!

12 тилда гаплашувчи тилшунос ва таржимон Бенн Луиснинг тил ўрганишдаги янгича ёндашуви тилни такрорлаш орқали ҳам ўрганиш мумкинлигини кўрсатади.

У италян тилини ўрганиш учун ўнлаб грамматика китобларини ўқиган, тил курсларига қатнаган ва кўплаб сўзлар ёдлаган, лекин ҳаракатлари бесамар кетган. Шундан сўнг “Тинглаш ва қайтариш” усули бўйича тил ўрганишни бошлаган. Бир йилдан сўнг эса италян тилида бемалол сўзлаша бошлаган. Бошқа янги тилларни ўрганишда ҳам худди шу усулдан фойдаланади ва 3-4 ойда янги тилда мулоқот қила оладиган даражага етади. Натижада у 12 тилда гаплашувчи тилшунос ва таржимон даражасига етди.

Инглиз тилини ўрганишни мақсад қилган инсон ўзи учун инглизча муҳит яратиши лозим, яъни у доимо инглиз тилида тинглаб, ўқиб, ёзиб ва гапириши мақсадга эришишнинг энг самарали усулидир.

Кўпчилик инсонлар “Махсус тил курсларига борсам, албатта, чет тилини ўрганаман”, деб ўйлайди. Тўғрироғи, чет тили курсларини ўз мақсадларига эришишда маъсул деб билади. Бу фикр нотўғри. “Унутманг, ҳар доим сиз ўзингиз

учун масъулсиз, ўқитувчи ўргатиши мумкин, аммо сабоқнинг 99 фоизи ўзингизга, 1 фоизи ўқитувчига боғлиқ”, – дейди Алишер Абсаломов ўзининг “Рус тилини ўрганишнинг самарали усуллари” китобида. Шундай экан, мақсадни аниқ қўйиб, у сари интилмоқ керак. Албатта, ўз-ўзини назорат қилиш, тилни ўрганишдаги кучли иштиёқ ўрганувчилар учун маёқ вазифасини бажаради. Чунки тилни ўрганаётганда натижалар уни ўрганиш учун сарфланган қизиқиш ва қатъият даражаси билан бевосита пропорционалдир.

Тил ўрганишни бошлаганда яхши хотирага эга бўлиш, турли хил товушларга тақлид қилиш ва мантикий фикр юритиш қобилияти жуда муҳимдир.

Қуйида тил ўрганишнинг умумий усуллари ҳақида маълумот берилган:

1. Тилни ўрганишни бошлаш учун дарслик, иккита луғат, жумлалар китоби, оддий ва соддалаштирилган бадиий адабиётлар (кичик ҳикоялар, эртаклар ва ҳоказо)ни олиш керак.

2. Дарслик билан узлуксиз ишлаш, барча машқларни истисносиз бажариш зарур. Таржималар қилганда, тузатиш учун жой қолдириб, барча хатолар ва сабабларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилган маъқул.

3. Баъзи ўқитувчилар турли муаллифлар томонидан ёзилган иккита ёки учта дарсликдан ўқишни бошлашни тавсия қилади. Чунки ўрганувчи турли муаллифлар томонидан материал тақдимотининг ҳар хил шакллари таққослаш имконига эга бўлади. Шунинг учун битта вариантга боғланиб қолиш керак эмас. Бироқ ушбу таълим усули машаққатли ва ўрганувчидан сабр-тоқатни талаб қилади.

4. Мослаштирилган адабиётлар, эртаклар ва қисқа ҳикояларни имкон қадар тезроқ ўқий бошлаш даркор. Бу жараёнда тақдимот ва мазмун жиҳатидан матнларни қайта-қайта ўқиш, янги сўз ва ибораларнинг моделларини ёзиш,

имкон қадар улар орасидан келажакда кўп ишлатиладиганига урғу бериш тавсия этилади.

5. Тўғри талаффуз чет тилини ўрганиш учун асослардан биридир. Чунки бу омил ташқи товушларни тўғри қабул қилиш қобилиятини мустаҳкамлайди. Талаффуз етишмовчилиги ўрганувчининг нутқини тушунишни қийинлаштиради. Талабалар учун талаффуз қилиш энг қийин вазифалардан биридир. Чет эллик киши билан алоқа қилишнинг биринчи дақиқасида ўрганувчининг тил борасидаги билими талаффуз билан баҳоланади. Шу боис тилни ўрганишнинг дастлабки кунлариданок сўзларни тўғри талаффуз қилишга одатланиш керак. Луғатлардан овозли талаффузларни эшитиб, уларга тақлид қилиш бу жараёнда яхши самара беради.

6. Талаффузни ойнанинг олдида амалга ошириш тил ўрганувчига индивидуал товушларнинг ўзига хос махсус ифодаларини назорат қилиш имконини беради. Бунда чет тилидаги фильмларни томоша қилиш жуда фойдали бўлиб, бу ўрганувчига юз ифодалари орқали овозни “ўқишга” кўмак беради.

7. Аввал нутқни эшитиб, маърузачидан кейин такрорлаш керак. Тўғри товушларни идрок этиб, дарҳол талаффуз қилинадиган доимий машғулотлар муваффақият сари қўйилган қадамдир.

8. Ҳис-ҳаяжон ва талаффузга алоҳида эътибор берилади. Талаффузни ўрганиш катта ҳажмдаги ҳаракатни талаб қилади, чунки у турли тилларда бир-биридан фарқ қилади.

9. Матннинг баъзи параграфларини баланд овоз билан ўқиб, сўзларни равон талаффуз қилишни ўрганиш мумкин.

Бундан ташқари, тил ўрганишдаги яна бир муҳим аспект шу тилнинг грамматикаси ҳисобланади.

Грамматикани яхши билиш мияда ўрганилаётган тилнинг қолипини яратади, оғзаки нутқнинг ривожланишига, тўғри ёзиш қоидаларини мукамаллашувига кўмак беради.

Грамматика қоидаларини ўрганишда қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш самара беради.

✓ Онгли тамойил одат тусига кириб, қоидаларни ишлатиш аста-секин автоматлашади. Грамматик нақшлар шаблон бўлиб хизмат қилади ва бу тил ўрганувчига янги-янги шаклларни мослаштириш имконини беради. Грамматик шаблонларнинг ишончли намуналарини ўрганиш ва ёд олиш тезроқ сўзлашувни автоматлаштиради. Изоляция, ассимиляция қилиш ва тез-тез такрорланадиган нақшлар учун энг яхши восита – тил микроклимининг яратилиши орқали грамматикани ўргатадиган китобдир.

✓ Грамматика қоидаларини улар ишлатилган жумлаларни ёдлаш орқали эслаб қолиш керак. Бу дарсликда тузилган қоидаларни ўрганишдан кўра осонроқдир. Қоидани ўз ичига олган мисоллар, уларнинг ўзига хослиги сабабли хотирада яхши сақланади.

✓ Биринчидан, феълларни бирлаштиришни, сўзларни ва сўз бирикмаларини таржима қилишни, жумла тузилишини ва ундаги сўзларнинг тартибини аниқлашни ўрганиш керак. Грамматика қоидалари бўйича мустақил равишда саволларни шакллантириш ва уларга ўз сўзлари билан мисоллар ёрдамида жавоб бериш керак.

Хулоса қилганда, тилни ўрганиш истаги унга бўлган қизиқиш билан бирлаштирилса, кучли таъсирга эга омилга айланади. Бироқ тилнинг ўзига қизиқиш билан эмас, балки бошқа мақсадларда (масалан, касбий зарурат) талаб қилинган истак ҳам яхши натижа беради. Бунда аниқ белгиланган мақсадга эҳтиёж бор. Мақсадни аниқ тушунмасдан, тил ўрганишга интилиш яхши самара бермайди.

Шундай экан, аввало, мақсадни тўғри қўйиб, унинг ютуғига ҳисса қўшадиган сўз турларига алоҳида эътибор бериш керак. Ўрганувчи ҳар доим фурсатдан фойдаланиб тил ўрганиш борасида ўзлаштирган билимларидан амалда фойдаланиши керак. Ушбу амалиётни ўрганувчи асосий

фаолиятида, транспортда ўтказиладиган вақтида, кутиш ҳолатларида ўташи мумкин. Ҳар қандай “мажбурий” бўш вақт, ҳатто 5 ёки 10 дақиқа ичида ҳам ўрганилаётган тилни амалда мустаҳкамлаш мумкин. Ўрганувчи ўзи билан ўзи гаплашишдан кўркмаслиги керак. Муваффақияти учун ўзини ўзи мақташи ҳам мақсадга мувофиқ. Имкониятларни тўғри баҳолаш керак. Ўрганилаётган тилнинг мамлакати тарихи, географияси, иқтисодиёти, маданияти, санъати ва адабиёти билан танишиш имкониятини қўлдан бой бермаслик лозим.

3 §. ЎҚИШ КЎНИКМАСИНИ ЎРГАНИШ

Инглиз тилида 4 та тил кўникмаси мавжуд бўлиб, улар listening (эшитиш), speaking (гапириш), reading (ўқиш) va writing (ёзиш). Айтишларича, инсонда туғилиши билан ўзлаштириладиган тил кўникмаси эшитиш қобилияти ҳисобланади. Ундан сўнг гапириш, ўқиш ва ёзиш қобилияти шаклланади.

Юқорида таъкидланганидек, reading, яъни ўқиш бу қобилиятлар ичида учинчи ўринда турибди. Ҳар қандай тил ўрганувчи хорижий тилда ўқиш қобилиятини кучайтириш учун турли босқичлардан ўтиши керак.

1-босқич. Аввало, хорижий тилдаги ҳарфларни тўғри талаффуз қилишни ўрганиш керак. Бунинг учун ўша тил алифбоси талаффуз қилинган болалар учун мўлжалланган видеолар ҳам самарали, ҳам қувноқ ўрганиш усули бўлиб хизмат қилади.



2-босқич. Бўғинларни тўғри талаффуз қилишни ўрганиш керак. Чунки хорижий тилда, айниқса, инглиз тилида ҳарфлар ўзлари билан бирга келаётган ҳарфларга мос тарзда талаффуз қилинади.

Масалан, С ҳарфи баъзи сўзларда “с” баъзиларида эса “к” деб талаффуз қилинади.

S – ice (ays), cycle (saykl).

K – comma (комма), come (кам).

Шунингдек, сўзлар талаффузининг транскрипцияси орқали ўрганиш мумкин. Бунинг учун эса биринчи навбатда транскрипция белгиларини тушуна олиш керак. Қуйидаги жадвал эса транскрипцияда кенг қўлланиладиган белгилар талаффузи ва уларнинг ишлатилиш ҳолатларига мисоллар келтирилган.

Сочетание букв	Как произнести	Транскрипция	Примеры
ce	и	/i:/	tree
ea	и	/i:/	tea
oo	у	/u/	book
th	/ð/ /θ/	/ð/ /θ/	three, this
sh	ш	/ʃ/	she
ch	ч	/tʃ/	chess
ph	ф	/f/	photo
ck	к	/k/	black
ng	нг	/ŋ/	long
wh	w	/w/	why
wr	р	/r/	write
qu	kw	/kw/	queen
igh	ай	/aɪ/	high
all	ол	/ɔɪ/	ball
ai	эй	/eɪ/	Spain
ay	эй	/eɪ/	day
oi	ой	/ɔɪ/	point

Қўшимча тарзда электрон лугатлар орқали ҳам талаффузни ўрганиш мумкин. Бу лугатларнинг яна бир қулай тарафи шундаки, ўрганувчи бир сўзни ҳам америкалик, ҳам британияликлар талаффузида эшитиши мумкин.



3-босқич. Турли қисқа гапларни ўқиб таржима қилиш керак.

Масалан қуйидагича:

1. I eat ice-cream everyday (Мен ҳар куни музқаймоқ ейман).
2. She does not go to school at weekends (У ҳафта охирларида мактабга бормайди).
3. He is a doctor (У шифокор).

Бундай кичик синтактик бирликларни таржима қилиш ўрганувчининг фундаментал билимини мустақамлайди ва у аста-секин каттароқ матнлар таржимаси билан шуғулланиши мумкин.


Агар эътибор берилса, хорижий тилда ўқшини 2 та қисмга ажратиши мумкин.

Демак, икки тарафлама ҳам ўқувчи ўз устида ишлаши керак. Ҳозирги кунда жуда кўплаб ўқув материаллари бор, улар кўмагида бемалол ҳар иккаласини ҳам ўрганиш талабини ўзлаштириш мумкин.



Куйида русийзабон ўрганувчилар учун шундай материаллардан бири мисол сифатида келтирилган:

I. BARECTUE

Here are the drinks: <u>eggs</u> , <u>apples</u> !	Бот каллази рибана. Метан: <u>привет</u> , <u>привет</u> , <u>привет</u> !
Thank you!	Спасибо!
Hi, Michael! Hi, Greg! How are you?	Привет! Михаил! Привет, Грег! Как Вас?
Hi, James! We are fine. How about you?	Привет! Джеймс! Мы отлично, а как вы?
I am great. This is my girlfriend, Lisa.	Ваше отлично! Вот моя подружка, Лиза.
Hi! Nice to meet you!	Привет! Приятно познакомиться!
Nice to meet you, too! Where are you from?	Мне тоже приятно познакомиться! Вы откуда?
I am from Moscow.	Из Москвы.
Oh, Moscow is beautiful!	О, Москва - прекрасная страна!
Where are Carey and Mike?	Где Кейри и Майк?
Carey is at home. She is sick. She is in bed.	Кейри дома. Она нездорова. Она в постели.
And Mike is in the workshop. He is in the office.	А Майк - в гараже. Он на работе.
Carey: What would you like?	Спасибо! Что бы Вы хотели?
I'd like an orange juice.	5. бы подружка очень-очень сова
And a mango for me, please.	А мне пожалуйста: пожалуйста!
Ok.	Хорошо.
What is that?	Что это?
It is pasta. And here are the eggs.	Это спагетти. А вот яйца.



4-босқич. Кичик ҳикояларни ўқиш ва тушуниш. Бундай ҳикояларни болалар учун тайёрланган эртақ ва ҳикоялардан бошлаш мумкин. Масалан:



Бу турдаги ҳикоялар тушунишга осон ва ўқувчилар эътиборини тез тортувчи расмларга эга.

Юқоридаги босқичма-босқич ривожланувчи усуллар орқали тил ўрганувчилар жадал суръатларда хорижий тилда ўқишни ўрганиши мумкин.

Ўқишнинг кейинги босқичлари хорижий тилда тезроқ ўқиб тушунишга қаратилган бўлиши мумкин. Бу эса алоҳида мавзу бўлиб, у ҳам ўз ичига бошқа таркибий қисмларни олади.

Қўшимча равишда яна кўплаб тавсиялар ҳам берилиши мумкин.

Тил ўрганувчи ўз она тилидаги ўқиш қобилиятини хорижий тилдаги ўқиш жараёнига кўчириши керак. Масалан, ҳикоя ёки бирор асар ўқиётиб, унда ишлатилган луғату грамматик бирликларга эътибор қаратиб ўтирмай, асосий мақсад матнни тушуниш бўлиши керак. Худди шу мақсадда ўқувчи ҳам фақатгина мазмунни ўқиб олиш учун хорижий тилдаги асар ва китобларни кўпроқ ўқигани маъқул.

Бу тавсия эса ўрганувчидан ўзи ўрганаётган китобларни икки турга ажратишни талаб этади. Масалан, 1-гуруҳ фан нуқтаи назаридан ўрганилиши зарур бўлган ёки 2-гуруҳ ўрганувчининг ўзи завқ олиши учун ўқиладиган ўқув материаллари. Ўрганувчи уларга мос вақтларни ҳам ажратиб олиши мумкин. Масалан, эрталаб фанга доир, грамматика ёки луғат китобларни, кечқурун эса ўзига ёқадиган ҳикоялар тўпламини, ҳафта охирида ҳордиқ чиқаришга кўмаклашувчи адабиётларни ўқиса бўлади.

Гапириш тил кўникмаси

Speaking, яъни гапириш тил кўникмаси эса, инсон ҳаётининг илк даврларида ўзлаштириладиган иккинчи қобилиятдир.

Бу кўникмани америкалик инглиз тили ўқитувчиси Аже Ҳог тавсия этган босқичларда ўзлаштириш мумкин. Бу босқичлар 7 та бўлиб, қуйида улар билан бирма-бир танишиб чиқинг.

1-босқич. Тил ўрганувчи сўзларни якка ҳолда эмас, балки иборалар билан бирга ёдлашни машқ қилиши керак. Айтайлик, like, яъни инглиз тилида ёқтирмақ маъносини берувчи сўзни ўрганиш назарда тутилган бўлса, фақатгина like – ёқтирмақ деб она тилидаги таржимасини ёзиб ёдлаш кўп ҳам самара бермайди. Бу эски грамматика – таржима услуби ҳисобланиб, жуда кенг тарқалган ўқитиш, ўрганиш усулидир. Ҳозирги кунда кўплаб ўқув муассасаларида шу усулда янги луғатларни ёд олади. Аммо америкалик машҳур педагог тавсия этаётгандек, сўзлар иборалар орқали ёдланса, улар хотирамизда мустаҳкамроқ ва узоқ вақт сақланади. Ибора ўзи нима? Бу бирга келсагина маъно англатувчи тил бирлигидир. У маънога эга бўлган сўзлар бирикмаси деб ҳам тушунилиши мумкин.

Куйидаги мисолга эътибор қаратилса, уни амалиётда қандай қўллашни яхшироқ тушуниш мумкин бўлади:

John likes an ice-cream – Жон музқаймоқни ёқтиради.

Бу гап тўлалигача ёдлаб олинса, нафақат like, яъни ёқтирмақ феълини, балки уни грамматик жиҳатидан қандай ишлатилишини ҳам ўрганиш мумкин. Жон бу учинчи шахс, демак, учинчи шахс феълларига “s” қўшимчаси қўшилар экан. Тилни ўз она тили сифатида гапирувчилар, албатта, бундай грамматика ва луғатларни болалигидан кўп эшитавергани учун табиий ўзлаштиради. Бу ҳам худди тилни табиий равишда ўзлаштиришнинг усули ҳисобланади ва у жуда ҳам самаралидир.

2-босқич. Грамматик қоидаларни ёдламасдан, уларга барча диққат-эътиборни қаратишни тўхтатиш. Кўплаб ўрганувчилар, ҳақиқатан ҳам, грамматик қоидаларни ёдлашга муккасидан кетади. Аслида эса бу уларни гапираётган пайтда узоқ вақт иккиланиб, фикрлаб қолишига сабаб бўлади. Улар гапираётган гапларини мияда грамматик тўғри ёки хатолигини анча пайт ўйлайди ва баъзан тутилиб, секин гап

бошлайди. Кўриб турганингиздек, грамматик қоидаларни ёдлаш орқали гапиришни ўрганиш доим ҳам юз фоиз самарали усул эмас. Шундай экан, гарчи хато қилинса-да, хорижий тилда гапиришни бошлаш маъқул. Кўпчилик талаба, ўқувчилар тил грамматикасини яхши билади, ammo ўша тилда умуман гапира олмайди. Шу сабабдан грамматик қоидаларни яхши билиш ўрганувчи ўша тилда яхши гаплаша олишига кафолат бермайди. Бу усулдан кўзланган мақсад эса режа қилинган хорижий тилни худди она тилидек табиий усулда гарчи хатолар билан бўлса-да, гапиришни ўрганишдир. Чунки агарда ўрганувчи хорижликлар билан мулоқот қиладиган бўлса, улар анча тез гапиради ва уларга жавоб қайтариш учун эса қайси замондаги гаплар, қайси қўшимчалар ҳақида ўйлаб ўтиришни кутиб ўтирмайди. Чунки жонли суҳбат доимо тезкор йўсинда боради.

3-босқич. Эшитиш орқали тилни ўрганиш. Одатда Ўзбекистондаги маҳаллий мактабларда матнли китоблар ўқитилади ва ўқувчилар матнни ўқиб, грамматика ва луғатларини ўрганади, яъни уларнинг ҳаммаси ўқишга асосланади. Бу эса, ўз навбатида, гапиришга ёрдам бермайди. Яхши гапиришни ўрганишнинг энг самарали усули эса, кўп бора ўша хорижий тилдаги материалларни эшитишдир. Масалан, инглиз халқи фарзандлари ҳам атрофидаги яқинларини тинглаб, тилни ўзлаштиради. Агар эътибор билан қаралса, болалар аввал оддий сўзларни, кейин қисқа иборалар, сўнгра гапларни амалиётда синаб кўради. Шундай экан, агарда тил эшитиш орқали ўрганилса, уни тез ва осон ўзлаштириб олиш мумкин. Ўрганувчи эшитишни бошлаган пайтида энг содда болаларбоп ўқув материалларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, кичик эртақ, ҳикоялар ёки мультфильмлар шулар жумласидандир. Ўқувчи илк бора осонроқ, ўзи 95 % ини тушунадиган эшитиш материалларидан бошласа, қолган 5 % ини бемалол мантикий жихатдан тушуна олар экан. Бир аудиоёзувни тўла тушуниб

олгунча қайта-қайта уни эшитиш керак, сўнгра бироз қийинроғини синаб кўриш керак.

Инсонда эшитиш қобилияти қанчалик юқори бўлса, унда гапириш қобилияти ҳам унга параллел равишда ўсиб боради.

4-босқич. Чукур ўрганиш, яъни шу қобилиятнинг устаси бўлиш. Бирор бир тил кўникмасини мукамал равишда ўрганиш такрорлаш орқали эришиш мумкинлигини унутмаслиги керак. Баъзи тил ўрганувчилар кўпинча бир ҳафта бир мавзуни, иккинчи ҳафта эса бошқа мавзуни ўрганеди. Аммо вақт ўтиб уларнинг кўп қисмини унутиб қўяди. Бу эса ўша мавзуни яхши ўзлаштирмаганидан дарак беради. Демак, бир мавзуни тўлалигича қайта-қайта такрорлаш ва вақт ўтиши билан унга қўшимча маълумотлар қўшиш орқали уни чукур ўрганиш мумкин. Хорижий тилда ўрганувчи гарчи луғатларни, грамматикани яхши билса-да, баъзида яхши гаплаша олмайди. Бу ўша мавзуни тўлалигича ўзлаштирмагани, ҳали ҳам шу соҳадаги билимида камчилик борлигини кўрсатади. Бирорта мавзуни керак бўлса 20 кун мобайнида ҳам қайта-қайта такрорлаш тил ўрганишда катта самара беради.


5-босқич. Фикрлаш талаб этиладиган ҳикояларни кўпроқ ўқиш керак. Бу айниқса Past Simple, яъни ўтган замонни ҳам ўзлаштиришда катта ёрдам беради. Ушбу омил унинг биринчи устунлиги бўлса, иккинчи устунлиги ўқувчини фикрлашга, ҳикояни ёдда яхшироқ сақлашига кўмак беради. Инсон бирор мавзуда қанча кўп фикрласа, ўша билимни кўпроқ эса сақлаб қолади. Чунки унда оддий ҳолатдан кўра кўпроқ мия ишлайди ва узок вақт сақлаб қола олади.

6-босқич. Хорижий тилда яратилган ҳақиқий материаллардан ўрганиш жараёнида фойдаланиш. Чунки талабларга мослаштирилган дарслик ва баъзи илмий китоблар анча зерикарлидир. Табиий ўқув материалларига ҳикоялар, дostonлар, реал аудиолар ва баъзи кинолар киради. Тайёрлаб мослаштирилган материаллар эса анча зерикарли ва ясама бўлади.

7-босқич. Савол сўраладиган китобларни кўпроқ ўқиш. Бундай турдаги материаллар аудио кўринишида ёки ёзилган ҳолда бўлиши мумкин. Чунки саволларга жавоб бераётиб, тил ўрганувчи нафақат фикрлаб гапиришга, балки грамматик қоидаларни ҳам амалиётда табиий усулда қўллашга эришади.

1-тавсия. *Ҳар қандай хорижий тилда тезроқ гапиришни истасангиз, ўқиётган гап ва матнларни ёза туриб, уни талаффуз қилиб гапиришни ҳам машқ қилинг!* Чунки одатда турли машқлар ёзма ёзилган бўлади ва бу машқларни бажара туриб, баъзида саволларга жавоб беришга тўғри келади, ўрганувчи баъзида нотўғри талаффуз қилишига қарамасдан гапларни ўша миллат вакилларидек тўғри талаффуз қилишга тақлид қилиши керак, ҳаттоки грамматик ва луғатларни ёдлашга бағишланган машқларни бажариш даврида ҳам ўқувчи матнни ҳам баланд овозда ўқиши ва ўша миллат эгаларидек тўғри талаффуз қилишга уриниши керак.

2-тавсия. *Фикрлаш керак.* Агар ўрганувчи ўзини хорижий тилда яхши гапираяпман деб ўзини ишонтирса, қолганлар ҳам унинг бу фикрига ишонади. Шунингдек, у имкони борича оддий кундалик ибораларни ёд олишга уриниши керак. Негаки энг кўп қўлланиладиган иборалар ўрганувчига хорижий тил вакиллари билан ҳам яхши мулоқот қилишида ёрдам беради. Айтайлик. тил ўрганувчи турли мавзуларни карточкаларга ёзиб олиши керак. Қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:



Бу берилган карталарни бирма-бир олиб айнан ана шу муҳитда ишлатиладиган сўз ва идиомаларни кўпроқ ўрганиш ва ёд олиш керак.

3-тавсия. Субтитрли киноларни кўриш фойдалидир. Бу 3-босқичда амалга оширилса, тил ўрганиш самараси янада ошади:

1. Субтитрни ўқиб кино кўриш, агар нотаниш сўз учраса, уни луғат дафтарга ёзиб олиб таржима қилиш ва контекстга қўйиб тушунишга ҳаракат қилиш керак.

2. Ўша сўзнинг айтилишини кино қаҳрамони талаффуз қилгандек қайта-қайта талаффуз қилиш ва айнан ўша сўзни қўллаб гап тузишни машқ қилиш керак.

3. Бу босқичда эса энди субтитрни ўчириб кинонинг ўзини кўриш ва эшитиб тушунишга ҳаракат қилиш даркор.


4-тавсия. Таклид қилиш. Масалан, кинони тушуниш учун қайта-қайта кўравериш натижасида ўрганувчи ҳамма саҳналарни ёдлаб олиб, аллақачон фильм зерикарли туйилиши мумкин, аммо асосий мақсад бу орқали тил ўрганиш бўлиб қолаверади. Сўзловчиларнинг нутқини қайта-қайта таклидан такорлаш керак.

5-тавсия. Мусиқани тинглаш ва унинг матнини ёд олган ҳолда ашулачига жўр бўлиб куйлаш ҳам тил ўрганувчига қувноқ усулда янги луғатларни ўзлаштиришга кўмак беради. Бундай мусиқалар тингловчи учун севимли мусиқалар ёки яхши, секинроқ талаффуз қилинган қўшиқлар ҳам бўлиши мумкин. Яна бир тур борки, булар айнан болалар қўшиқларидир: улар ҳам тушунишга ва айтишга осондир:

Dashing through the snow
In a one-horse open sleight
O'er the fields we go
Laughing all the way
Bells on bobtails ring
Making spirits bright
What fun it is to ride and sing

A sleighing song tonight
[Chorus]
Jingle bells, jingle bells
Jingle all the way
Oh what fun it is to ride
In a one-horse open sleigh, hey
Jingle bells, jingle bells
Jingle all the way
Oh what fun it is to ride
In a one-horse open sleigh

Бу каби болалар кўшиғини алоҳида қизиқ видеоларга жўр оҳангда куйлаб ўрганиш ҳам мумкин. Айниқса, уларда суб-титр бўлса. янада яхши.





6-тавсия.

Маҳаллий

адабиётларни ўқиш керак. Ҳар бир адабиёт нафақат бир миллат тилини, балки ўша халқ маданиятини ҳам ўзида акс эттиради. Ҳар бир тил ўрганувчиси ўша халқ маданиятини ҳам ўрганувчиси ҳисобланади. Шундай экан, адабиётлар тил ўрганишда жуда фойдали материал саналади. Бу айнан қийин дoston ёки романлар бўлиши шарт эмас. Балки кичик ҳикоялар тўплами ёки даражага мослаштирилган кичик китоблардан ҳам бошлаш мумкин. Реал материал сифатида журнал ва газеталар ҳам анчагина қизиқ ва уларнинг самараси катта. Инглиз тилини ўрганишда ҳам бир қанча шундай махсус газета ва журналлар борки, улар оммабоп тусда тил ўрганувчилар томонидан ўқилади. Масалан, Hot English журнали.

7-тавсия. Мақсад қилинган хорижий тилни ўрганаётган дўст топиш. Бу нафақат тил ўрганишни фойдали, балки анча қизиқ жараёнга айлантиради. Агарда бирор дўст билан бирга ўрганилаётган тилда кўпроқ мулоқот қилинса, бир-бирининг талаффузини тўғирлаши, янги луғатларни осон ўзлаштириши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ҳар икки томонга манфаатли ҳисобланиб, тенгдошдан камчиликлари ҳақида эшитиш ва ўрганиш устоздан хато қилгани учун дакки эшитишдан кўра енгилроқдир. Бундай ҳамкор билан ўрганувчи бирор янги сўз талаффузи тўғрисида қизгин муҳокама юритиши ва ҳақиқий инглиз кишиси талаффузини бирга таҳлил қилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, улар ўзининг даражаларини яна ҳам орттириш учун олдиларига янги режалар ва мақсадлар қўйиб олиши мумкин.

8-тавсия. Айнан ўша хорижий тил ўзинининг она тилиси бўлган киши билан кўпроқ мулоқотда бўлиш. Бу киши ўрганувчига яқин атрофда яшовчи киши ёки тил ўқитувчиси

